

Глобаллашув шароитида шахс маданий тараққиётининг моҳияти

И.М.Арзиматова ф.ф.н., доцент ФарДУ

Мақолада глобаллашув жараёнининг моҳияти, глобаллашув шароитида шахс маданий тараққиёти ва маданий қадриятлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: глобаллашув, маданият, маданий тараққиёт, илмий-фалсафий фикрлар, инсоний камолот, маънавий таҳдид, маданий қадриятлар.

В статье рассматривается суть процесса глобализации, культурное развитие личности и культурные ценности в условиях глобализации.

Ключевые слова: глобализация, культура, культурное развитие, научно-философские мысли, человеческое совершенство, духовная угроза, культурные ценности.

In this article is told about the gist of globalization processes, the cultural development of person in globalization condition and cultural traditions.

Key words: globalization, culture, cultural development, scientific-philosophical thoughts, personal maturity, spiritual threat, cultural traditions.

Ҳозирги даврда инсоният ривожланишининг асосий хусусиятларидан бири бу глобаллашув жараёнининг кучайиб боришидир. Умумий маънода, глобаллашув бу замонавий илмий техника тараққиёти асосида, техника, технологиялар ҳамда ҳалқлар орасида алоқаларнинг ривожланиши негизида бутун жаҳонда ягона сиёсий, иқтисодий маконнинг шаклланиш жараёнидир.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “глобаллашув” атамаси бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётй тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно – мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланиши ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда” [1].

Бу жараён минтақалар, инсон ва жамият фаолиятининг кўпгина соҳаларини қамраб олмоқдаки, онгли равишда унинг сиёсий оқибатлари кейинги ўринга сурилиб, асосан иқтисодий жараён тарзида талқин қилинмоқда. “Айни пайтда ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, - деб ёзган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, - ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак мэрраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз” [2].

Глобаллашув жараёни бошқа жиҳатдан инсонга мафкуравий-маънавий таҳдид ўтказишининг ўткир қуролига айланиб бормоқда, бу таҳдид инсон эркинлигини бўғиши, фикрий мутеликни қўллаб-қувватлаш; турли-туман жозибадор шиорлар орқали унинг руҳиятига мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар кўринишида дахл қилмоқда, ҳалқларнинг миллий ва диний илдизларига хавф солмоқда, энг хавфлиси, ёт ғоя ва заарли қарашларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришга уринмоқда. “Нега деганда, ин-

сониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади” [3].

Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи яқин ва узок қўшни давлатлар, балки бошқа миңтаقا худудлар билан ҳам боғлик бўлмоқда, шу маънода “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир” [4].

Шу ўринда глобаллашув терминининг мазмун-моҳиятига тўхталадиган бўлсак, “глобаллашув” французча “global”-умумий, лотинча “globus”-шар, яъни ер юзига оид, бутун ер шарини қамраб оловчи [5] деган маънони англатади.

Глобаллашув шароитида шахс маданий тараққиёти ҳақида гапирад эканмиз, энг аввало маданият тушунчасига тўхталиб ўтишимиз лозим. Маданият инсон моҳиятли кучларини рўёбга чиқаришнинг ўзига хос шакли ва усули сифатида унинг ижодий имконияти, қобилият ва эҳтиёжларини фаолият орқали гавдалантиради ва ривожлантиради, шундай экан, маданият кишиларнинг яратувчанлик фаолиятини фалсафий-методологик жиҳатдан белгилаш учун асос бўлади. “Маданият” тушунчаси ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида турган халқ ҳаётининг муҳим ва зарурий фазилати, ютуқлари ва ижодкорлигининг мажмуидир [6].

Инсон ижодий фаолиятининг моддийлашган натижаларини ҳисобга олмай туриб, маданий тараққиёт қонуниятларини тасаввур этиб бўлмайди. Табиийки, бу натижалар моддий ва маънавий маданият маҳсулотлари ҳамда инсон фаолиятининг ўзига хос усулларини акс эттиради. Буларнинг барчаси инсон ижодий қобилиятининг ифодаси бўлиб, унинг яратувчанлик имкониятларини рўёбга чиқаришдан бошқа нарса эмас. У инсоний маърифатпарварлик ҳамда билимдонликнинг олий кўриниши, ўтмиш меросга теран, онгли ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ижодий идрок қобилияти, воқеликни

фаолият орқали билиш ва ўзгартириш даражасини англатади. Инсоннинг индивидуаллиги айни маданий даражада ўзининг тўлақонлигини намоён этади.

Илмий адабиётларда маданиятнинг турли шакллари, уларнинг ранг-баранг компонентларини тавсифлашда кўпинча қадрият тушунчасига мурожаат этадилар. Табиийки, бу компонентларнинг ижтимоий мавжудлиги ҳамда амал қилиш хусусиятларини ўрганиш маданиятнинг моҳияти, унинг жамият ва инсон ҳаётига таъсир этиш қонуниятларини очишга ёрдам беради.

Маданий қадриятлар кишиларнинг табиатга таъсир кўрсатиши, руҳий дунёси ва бир-бирларига ўзаро муносабатларини ўзгартириш натижасида яратилади. Ижтимоий ҳодиса, амалий кўникума, фан-техника ютуқлари, санъат асарлари инсоннинг моҳиятли кучлари ва қобилияtlари ифодасигина эмас, шу билан бирга, уни камол топтирувчи омил сифатида ҳам маданий қадрият саналади. Шунга биноан жамият маданияти, бир томондан, маданий бойликлар, қадриятларни яратиш, тақсимлаш тажрибасининг мажмуи, бошқа томондан, уларни тарқатиш ва ўзлаштириш жараёни ҳамdir.

“Мусиқий оҳанглар битилганnota ёзувлари мавжуд, - деб ёзади Мераб Мамардашвили,- мен шунга аминманки, оҳанглар фақат ижро этилганда эшитилади. Маданий ҳодисаларнинг ҳаммаси шундай хусусиятга эга, демак, китоб мутолаа қилинади ва ўқилганда таъсир қиласи, бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Симфония фақат ижро этилганда воқеликка айланади. Пейзаж биз ҳозир кўриниб турган нарсага кўз ташлаганимизда нигоҳимизда юз очади, модомики, шундай экан, табиатнинг ўзи пейзаж эмас. У - тошлар ююми, ўсимлик, сув ва дараҳтларнинг мўл-кўллигидан иборат” [7].

М. Мамардашвили фикридан шу нарса келиб чиқадики, маданий жараён ижодий, яратувchan фаолият билан жамият томонидан қадриятларни ўзлаштириш, улардан фойдаланиш ўртасидаги муайян зиддиятлардан ташкил топади. Уларни амалда бартараф этмасликнинг хусусияти, бир томондан, моддий маданият предметлари билан маънавий қадриятларга кишиларнинг тор истеъмолчилик муносабатларида, бошқа томондан, ижодкорларнинг

бошқалардан якка ҳолда ҳамда ҳокисор умр кечириш кайфиятларида акс этади.

Маданиятнинг функционал амал қилишида тегишли зиддиятларни ҳал этишнинг асосий йўли бу - кишиларни нафақат ижтимоий фаолиятнинг, шу билан бирга, ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳам маданий жиҳатдан юксалишини тақозо қиласди. Бунда ижтимоий ва маданий жараённинг ўзаро таъсирида шаклланган маданият субъектлари неъматларни ўзлаштиришда ўзларининг ижодкорлик қобилиятини намоён этишдан иборатдир. Рассом Рўзи Чориев таъкидлаганидек, “ижод машаққатлари бир куни албатта ўзининг самарасини беради. Рассомнинг яратган ҳақиқий асари ижодкорнинг қалбини чексиз қувончларга тўлдиради. Ўшанда уни қониқиши чулғаб олади. Бу ҳолат ижодкорга ҳузур бағишлайди” [8].

Маданиятнинг муайян даражасига эришган кишилар уни шунчаки ўзлаштирувчилар эмас, шу билан бирга, маданиятни жонли гавдалантирувчи, ижтимоий-маънавий тараққиётни таъминловчи, бадиий ижоднинг юксак намуналарини яратувчилар ҳамдир. Академик С. Шермуҳамедовнинг ёзишича, инсон юксак бадиий-эстетик фаолият кўрсатиш натижасида бекиёс гўзалликларни, шунингдек, адабиёт ва санъат асарларини вужудга келтиради. “Оlamни бадиий-эстетик идрок этишнинг турли шакллари, кўринишлари ижодкорнинг, жамият ёки даврнинг ижобий ёки салбий идеалини акс эттириш услубларига, унинг ният, мақсадларига боғлиқдир. Адабиёт ва санъатнинг, бутун бадиий маданиятнинг ривожланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, ижодкор идеали асар мазмунида қанчалик умуминсоний кўламларда, қанчалик ёрқин индивидуаллашган - жонли, бетакрор образларда гавдаланган бўлса, инсонпарварлик рухи қанчалик теран бўлса, бадиий-эстетик, ахлоқий-маънавий жиҳатдан юксак бўлса, жаҳон маданияти хазинасига шунчалик улкан хисса бўлиб қўшилади” [9].

Шундай қилиб, маданият инсон билан боғлиқ ҳолда яшайди, унинг фаолияти борлиққа инсонлашган рух сифатида кириб боради. Шунинг учун инсон яратган меъморчилик ёдгорликлари, адабиёт, ашула ва рақс, мусиқа

маданияти, тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа турлари орқали унинг руҳий дунёсига кириб боришга имкон беради [10].

Шундай қилиб, маданиятни умумназарий жиҳатдан инсоннинг ўз-ўзича ривож топиш мезони сифатида талқин этиш муҳим илмий-методологик аҳамиятга эгадир. Бироқ, таъкидлаганимиздек, ҳаётнинг амалий талаблари уни конкретлаштириш, шахс маданий юксалишининг конкрет шарт-шароит ва омилларини аниқ белгилаб олишни назарда тутади. Кенг маънода бу вазифанинг моҳият-мазмуни тўғрисида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов шундай ёзган эди: “Биз жамиятимизда инсоннинг ўз қобилиятини, табиат ато этган иқтидори ва истеъдодини тўла намоён этиши учун, адабиёт, санъат ва, умуман эркин ижодий фаолият ривожи учун зарур шароитларни яратишимиз лозим” [11].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, маданиятни тадқиқ этиш соҳасида фалсафий, социологик, психологик изланишлар ўтказиш, уларнинг натижаларига суюниш, бадиий ижод психологияси ва идроки, шахс маданий эҳтиёжларининг шаклланиши ва тарбияси муаммоларини таҳлил этишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишга тўғри келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008.111-б.
2. Каримов И.А.Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. - 112 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. 2008.11-б.
4. Каримов И. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Т.: Маънавият. 2008 й., 111 б.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. Т.І. 507-б.
6. Философский энциклопедический словарь—М.:ИНФРА-М.,1999. - С.229.
7. Мамардашвили М. Как я понимаю философию. - М.: Прогресс, 1990. - С. 151.
8. Рўзиев Чори. Изингиздан бормоқдаман, устозлар //Жаҳон адабиёти. - Тошкент, 2008. - № 12. - Б.160.
9. Шермуҳамедов С. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт. -Тошкент: Фан, 2005. - Б.42-43.
10. Раҳимов И., Ўтамуродов А. Фанларнинг фалсафий масалалари. – Тошкент, ЎзМУ, 2005. -163 б.
11. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Зт. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 16 б.

**Фарғона давлат университети Фалсафа кафедраси доценти, фалсафа
фанлари номзоди Иноятхон Арзиматованинг “Глобаллашув шароитида
шахс маданий тараққиётининг моҳияти” мавзусидаги мақоласига**

ТАҚРИЗ

Бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи яқин ва узок қўшни давлатлар, балки бошқа минтақа худудлар билан ҳам боғлиқ бўлмоқда, шу маънода “глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви демакдир”.

Глобаллашув шароитида инсон ижодий фаолиятининг моддийлашган натижаларини ҳисобга олмай туриб, маданий тараққиёт қонуниятларини тасаввур этиб бўлмайди. Табиийки, бу натижалар моддий ва маънавий маданият маҳсулотлари ҳамда инсон фаолиятининг ўзига хос усулларини акс эттиради. Буларнинг барчаси инсон ижодий қобилиятининг ифодаси бўлиб, унинг яратувчанлик имкониятларини рўёбга чиқаришдан бошқа нарса эмас. У инсоний маърифатпарварлик ҳамда билимдонликнинг олий кўриниши, ўтмиш меросга теран, онгли ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, ижодий идрок қобилияти, воқеликни фаолият орқали билиш ва ўзгартириш даражасини англатади. Инсоннинг индивидуаллиги айни маданий даражада ўзининг тўлақонлигини намоён этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, И.Арзиматованинг мақоласида глобаллашув шароитида шахс камолоти, унинг маданий тараққиётини оширишда муҳим ҳисобланган ижтимоий омилларнинг моҳияти ва уларнинг ўрни кенг ёритиб берилган.

Мақола мавзусининг атрофлича ёритилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақолани чоп этишга тавсия қилиш мумкин деб ҳисоблайман.

**Миллий ғоя, маънавият асослари
ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири,
фалсафа фанлари номзоди, доцент**

Д.Норматова